



АЗУДУДДИН ИЙЖИЙ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10437399>

А.Ғофуров.

*Тошкент ислом институти “Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси*

Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳнинг тўлиқ исмлари Абул Фазл Абдурахмон ибн Рукнуддин Аҳмад ибн Абдуолғаффор ибн Аҳмад Ийжий ал-Бакрий ал-Митрозий Шерозий бўлиб, насаблари Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳуга бориб тақалади. У зот машҳур қози, мутакаллим, фақиҳ ва луғатшунос, ашаърийя олимолардандир. Шерознинг Ийж шаҳрида ҳижрий 680-йилда (мелодий 1281-йил) туғулган.

Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳнинг бизга маълум бўлган устозлари куйидагилар:

1. Имом Байзовийнинг шогирди шайх Зайнуддин Ҳинкий раҳматуллоҳи алайҳ.

2. Шайх Имом Фахруддин Абулмакорим Аҳмад ибн Ҳасан Жорбурдий раҳматуллоҳи алайҳ. Фахруддин Абулмакорим раҳматуллоҳи алайҳ Имом Байзовийнинг “Усулул фикҳ” китобларига шарҳ битган. Имом Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсирларига ҳам бир неча ҳошиялар битган ва 746-йилда вафот этган.

Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳдан илм таҳсил олган шогирдлари ҳам кўп бўлган, улардан баъзилари ҳақида куйида танишамиз:

1. Имом Шамсуддин Муҳаммад Кирмоний раҳматуллоҳи алайҳ. 717-786-ҳижрий йилда яшаб ўтган. Ун икки йил Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳга шогирд тушган. Шамсуддин Муҳаммад Кирмоний раҳматуллоҳи алайҳнинг “Саҳиҳ Бухорий” га битган шарҳлари машҳурдир.

2. Имом Зиёуддин Абдуллоҳ ибн Саъдуллоҳ Қазвиний раҳматуллоҳи алайҳ.

3. Имом Аллома Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний раҳматуллоҳи алайҳ. 722-792 ҳижрий йилларда яшаб ўтган.

Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳ кўпинча Султонийя шаҳрида истиқомат қилган эди. Форс давлатида ҳукмронлик қилган Илхонийлар сулосига мансуб подшоҳ Абу Саъийд у зотни Шероз шаҳрига қози этиб тайинлаган эди ва бироз муддатдан сўнг Қозул қузот даржасига кўтарилди. Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳ ва Форс ўлкасидаги Кирмоннинг



амири билан ўзаро низога келиб қолишгани боис амир У зотни ва мансабидан олиб ташлаб ҳибс қилиб қўйди.

Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳнинг мол-давлати кўп бўлиб кўп қисмини илм ва унинг аҳли йўлида сарф қилар эди. У зотнинг қўлидан Шамсуддин Кирмоний, Саъдуддин Тафтазоний, Саъдуддин Умар ибн Абдуллоҳ каби замонасининг кўзган кўринган катта уламолари етишиб чиққан. Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳнинг илми калом борасидаги сўзлари ҳеч қандай қайд ёки кўшимчасиз ашъарийларнинг наздида яқун ясовчи сўз ҳисобланади. У зот раҳматуллоҳи алайҳнинг кўплаб тенгсиз асарлари мавжуд бўлиб, уларнинг ичида энг кўзга кўрингани шубҳасиз “ал-Мавақиф фи илмил калом” номли асарлари ҳисобланади.

Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳ бир неча юксак унвонлар соҳибидир. Қуйида улардан бир нечасини келтириб ўтамиз:

- 1.Шарқнинг қозилар қозиси.
- 2.Шайхул уламо.
- 3.Шофеъийлар шайхи.

Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳнинг тасниф қилган китоблари қуйидагилар:

- 1.Ал-Мавақиф фи илмил калом.

Бу китобни таърифлашга йўқ. Илми калом ҳақида маълумотга эга бўлганлар бу китобнинг салмоғи қай даражада эканини жуда яхши биладилар.

- 2.Жавоҳирул калом.

Бу китоб муаллифнинг “Ал-Мавақиф фи илмил калом” номли китобларининг қисқартмаси ҳисобланади.

- 3.ал-Кавошиф фи шарҳил мавоқиф.

- 4.ал-Ақоид ал-азудийя.

Бу китоб ҳажми кичик бўлса-да, ақоид илми борасида кўплаб маълумотларни ўзида жамлаган бўлиб, муаллиф ҳазратлари уни ўн икки кунда ниҳояси етказганлар. Ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

5. Ишроқ ат-Таварих.

- 6.Ал-Фавоидул ғиёсийя фил маъний вал баян.

7. Уюнул жавоҳир.

- 8.Таҳқиқут тафсир фи таксирит танвир фи тафсирил Куръан.

- 9.Баҳжатур тавҳид.

- 10.ар-Рисалатул аъдудийя ва бошқалар.

11. Ахлақу Азузиддин.

Муаллифнинг бу китоблари катта китоблардаги маълумотларни битта китобга жамлаб, тўртта мақолага бўлганлар. Бу китобни У зотнинг



шогирдлари Шамсуддин Муҳаммад ибн Юсуф Кирмоний роҳимахуллох шарҳлаганлар.

12. Шарху мухтасари Ибн Ҳажиб.

Бу китоб усулул фикҳ ҳақида бўлиб, Ибн Ҳожиб роҳимахуллохнинг мухтаарларига ёзилган энг машҳур шарҳ ҳисобланади. Уламолар бу шарҳга кўп мурожаат қиладилар ва ҳозирги кунга қадар ўз мавқеини йўқотмаган.

Уламолар Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳ ҳақларида жуда яхши гаплар айтишган. Имм Хайруддин Заркалий “ал-Аълам” номли китобларида, Жамолиддин Иснавий Шофеий, Саъдуддин Тафтазоний роҳимахуллохлар “Шазаротуз заҳаб” номли китобда, Ибн Ҳажар Асқалоний “Дурарул каамина”да, Жалолиддин Суютий “Буғятул вуаат”да, Тожуддин Субкий “Табакотуш шафийя”да Азузиддин Ийжий роҳимахуллох ҳақларида қимматли маълумотларни берганлар. Хусусан, Жамолиддин Иснавий Шофеий ўзларининг “Табакотуш шофеъий” номли китобларида қуйидаги маълумотларни айтганлар: “У зот бир қанча илмларда имом, муҳаккиқ, бир нечта машҳур китоблар соҳиби эди. У зотнинг калом илмига оид “Мавақиф”, “Жаваҳир”, усулул фикҳга оид “Шарху Мухтасари Ибн Ҳожиб”, маъоний ва баён илмига оид “Фаваидул ғиясийя” номли асарлари мавжуд. У зотнинг мол-дунёлари кўп бўлиб, қарамли, саҳий зот эдилар. (Кирмон шаҳри амири) Абу Сауднинг юртида қозилиқ қилганлар” .

Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳ Кирмон шаҳри амири Муборизуддин ибн Музаффаруддин билан ораларидаги низо сабабли умрларининг охирини қамокда ўтказдилар. У зот милодий ҳисобда 1355-йили, ҳижрий ҳисоб бўйича 756-йилда Ийж шаҳридаги Дираймиён қалъасида вафот этдилар.

Азудуддин Ийжий раҳматуллоҳи алайҳнинг шох асарлари калом илмига оид “Мавақиф” номли китоб ҳисобланади. Ушбу асар ақоид илми борасида кўзга кўринган асарлардан биридир. Муаллиф роҳимахуллох ушбу китобларида илмларнинг даражаси ҳақида сўз юритиб бундай дуйдилар:

“Илмларнинг даражаси энг олий, фазилати ва мартабаси юқори, фойдаси кўпроғи, эътибор қаратишга энг лойикроғи шубҳасиз калом илмидир. Б илм Аллоҳ таолонинг борлигини, яккалигини, бошқа махлуқотларларга ўхшамаслигини, улуғ ва қарамли сифатлар ила сифатланганини, исломнинг асоси, шаръий ҳукмларнинг пойдевори ҳисобланган нубувватнинг собтлигини билдирадиган илм ҳисобланади. Бу илм ила инсоннинг охират кунига бўлган ишончи тақлид қилиш даражасидан далил асосида билиш даражаси – яқин даражасига кўтарилади. Бундай даража эса дунёда зафар кучишга, охиратда эса нажот топишга сабаб бўлади. Бу илм бизнинг замонимизга келиб енгил қараладиган, уни ўрганш



эса ажабтовур ишга айланиб қолди. Инсонлар орасида бу илм ҳақида узук-юлуқ маълумотлар ва оз сонли қизиқувчиларгина қолди. Шундай экан, биз бу илмни чуқур ўрганмоқчи бўлганларни қўллаб-қувватлашимиз, калом борасида таҳқиқ йўлидан юришимиз лозим”.

Сўнгра муаллиф роҳимахуллоҳ калом борасида ёзилган китоблардаги хато ўриларни санаб ўтиб, бунга сабаб қилиб эса ўша китобларнинг муаллифлари бу илмдан тўла хабардор эмасларини айтиб шундай дейдилар:

“Мен ўзимдаги калом илми ҳақида ёзилган китобларни мутола қилиб, улардан бирортасида ақидада адашган кимсага йўл кўрсатадиган, бу илмга ташналарнинг ташналигини кетказадиган маълумтни топмадим”. Юқоридаги китобларнинг ҳолатини баён қилиб эса бундай дейдилар:

“Бу китобларнинг мухтасар шакли ақида борасида мақсадни ифодалаб беролмайди. Катта китоблар эса хатолардан холи бўлмаслиги билан бир каторда масалаларнинг ҳақиқатини тушунишдан узоклаштириб юборади”.

Сўнгра ўзларининг китоблари ҳақида маълумот бериб, китобни олти бобга бўлганлари, ҳар бир бобдаги мавзулар ҳақида қисқача сўз юритганлар.

“Мавақиф” китобининг ёзилиш сабаби:

Муаллиф роҳимахуллоҳ китобнинг аввалида унинг ёзилиш сабаби хусусида тўхталиб ўтиб бундай дейдилар:

“Бу илмни талаб қилувчиларига, ақл эгаларининг ҳақиқатни излашларига бўлган меҳр-муҳаббат мени ўқувчини малолантирадиган даражада катта ҳам, жуда қисқа ҳам бўлмаган ўрта ҳажмдаги китобни таълиф этишимга туртки бўлди. Маълумотларнинг қаймоғини бериб, калом илмидаги баҳсларга киришмай, бирор мазҳабнинг фикрларини қўллаб-қувватламай, очиқ-ойдин қатъий ҳужжат-далилларни ҳам, соғлом ақлга зид келадиган қарши тарафнинг далилларини ҳам келтирмадим. Ҳужжат-далиллар ичидан тўғри-нотўғриси, кучли ёки кучсизлари борасида ҳақиқат булоқлари ҳисобланган нозик нукталарга алоҳида урғу бериб кетдим. Маълумотларни келтиришда далилларнинг кучли ёки кучсизлигига жуда синчковлик билан назар солдим. Шундай қилиб ўзим хоҳлагандек асар вужудга келди”.

Муаллиф роҳимахуллоҳ ушбу китобни тасниф этиш тарихи ҳақида қуйидагиларни айтади:

“Бу китобни ёзишда бир қанча вақт ўйландим, фикр юритдим, бу ҳақда бир неча теран фикрли, илми каломга қизиқувчан, бу илмнинг кадрини биладиган, эътироф этадиган дўстларим билан ҳам маслаҳат қилдим”.

“Мавақиф” китобинига ёзилган шарҳ ва хошиялар:

Аллоҳ таоло бу китобга ҳамма тарафидан қабул қилиниш ва кенг тарқалишни битган экан. Бу китоб барча узтоз-у талабалар тарафидан



доимий муружат қилинадиган манбага айланди. Бир неча уламолар унга шархлар, шархларга эса хошиялар битдилар. Қуйида китобнинг баъзи шарх ва хошияларини келтириш билан кифояланамиз:

1. Шархул мавақиғ. Муҳаммад ибн Юсуф ибн Алий Кирмоний. Бу зот муаллиф роҳимахуллоҳ нинг шогирдларидан ҳисобланадилар.

2. Шархул мавақиғ. Сайфуддин Абҳарий. Балки бу зот машҳур олим Тафтазоний роҳимахуллоҳнинг набиралари Сайфуддин Ҳиравий бўлишлари ҳам мумкин.

3. Шархул мавақиғ. Алий ибн Муҳаммад Журжоний. Ушбу шархга кўшлаб уламолар хошиялар битилар:

А) Ҳашиятун ала шархул мавақиғ. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Наим Басотий. 842 ҳижрий йилда вафот этган.

Б) Таълиқ ал шарҳис Саййид ала мавақиғ. Хизр Шоҳ ибн Абдулатиф Мунташавий Румий Ҳанафий. 853 ҳижрий йилда вафот этган.

В) Ҳашиятун ала шархул мавақиғ лил Журжоний. Абдулҳаким ибн Шамсуддин Саялкутий. 1067 ҳижрий йилда вафот этган.

Юқоридаги шархлар, уларга ёзилган хошиялардан маълум бўладики, “Мафақиғ” китоби асрлар давомида уламолар ўртасида қўлдан-қўлга ўтиб келаётган, ҳамма бирдек тан оладиган, калом илмида таълф этилган беназир шоҳ асарлардан биридир.

“Шазаротуз заҳаб”, “Табақотуш шафийя”, “Дурарул каамина”, “Бугъятул вуаат”, “Кашфуз Зунун”, “Мавақиғ” ва интернет маълумотлари асосида